

Очилов Алишер Тўлис ўғли
Бухоро давлат университети
профессори, тарих фанлари доктори (DSc)

Аббосов Абосали Зарифович
Бухоро давлат университети ўқитувчиси

БУХОРО ШАҲРИНИНГ АРХЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШИ (XX асрнинг 30-60-йилларида олиб борилган тадқиқотлар мисолида)

АННОТАЦИЯ

Бухоронинг узоқ ўтмиши, шаҳарнинг вужудга келиши ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда турлича учрамайди. Бу маълумотлардан шаҳар тарихи оид аниқ маълумот олиш қийин. Шу сабабли, Бухоро шаҳрининг тарихини аниқ ва равиш ёритишда археологик тадқиқот ишлари жуда муҳим аҳамият ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу мақолада Бухоро шаҳрида олиб борилган археологик тадқиқотлар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: археологик тадқиқот, Бухоро шаҳри, шурф, сопол, Арк, Шаҳристон.

АННОТАЦИЯ

Сведения о долгой истории Бухары и формировании города не отличаются письменными источниками. По этим данным сложно получить точную информацию об истории города. По этой причине археологические исследования являются очень важным аспектом истории Бухары. Поэтому в данной статье анализируются археологические исследования, проводимые в Бухаре.

Ключевые слова: археологические исследования, город Бухара, гончарные изделия, гончарные изделия, ковчег, шахристан.

ANNOTATION

Information about the long history of Bukhara and the formation of the city does not differ in written sources. It is difficult to get accurate information about the history of the city from this data. For this reason, archeological research is a very important aspect of the history of Bukhara. Therefore, this article analyzes the archeological research conducted in Bukhara.

Keywords: archeological research, Bukhara city, pottery, pottery, Ark, Shahristan.

XIX асрнинг охирлари Н.Ф.Ситняковский[1], XX аср бошларида Р.Пампелли[2], Л.А.Зимин[3], 1934 йилда А.Ю.Якубовскийлар[4] археологик тадқиқотлари Бухоро воҳаси тарихи бўйича жуда кўплаб маълумотларни берсада лекин, тадқиқотларнинг барчаси Бухоронинг шаҳар атрофларидаги тадқиқотлар бўлиб, ҳали Бухоронинг шаҳар қисмида археологик тадқиқотлар бўлмаган эди[5].

Бухоронинг шаҳар қисмида ўтказилган илк археологик тадқиқотлар асосан шаҳристон ҳудудида жойлашган қадимги меъморий обидаларни ўрганиш ва уларни таъмирлаш ишлари билан боғлиқ бўлган. Масалан, 1934- йилда В.А.Шишкин ва Узкомстарис томонидан Бухоро шаҳридаги Мағоки Аттори масжиди ва унинг атрофлари ўрганилади [6].

Бухоро тарихи ҳақидаги адабиётларда Мағоки Атторий масжидининг жойлашган ўрнига қараб кўпчилик муаллифлар томонидан “ер ости масжиди” деб айтиб ўтилган.

Масжид 1934-йилдан олдин равоқ, гумбазлари ва бинонинг юқори қисми хароба ҳолатида бўлиб таъмирланишга муҳтож бўлган, кўп ҳаракатлар самараси натижасида масжид таъмирланган. Халқ орасидаги ривоятлар ва шарқий қисмдан топилган ёзувлар шуни кўрсатадики, бу бино ҳижрий 954-йил, милодий 1547-йилда қайта таъмирланган. Бу Шайбоний ҳукмдор Абдулазизхон ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Масжиднинг

- 10 Жанубий қисмнинг нақш услубига қараб, масжидни XI ёки XII асрларга тегишли, деб айта оламиз. Чунки, бу услуб Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон ҳудудларидан топилган бошқа ёдгорликлар орқали ҳам бизга таниш.

Масжиддаги археологик қазилма ишлари масжиднинг жанубий порталидаги маданий қатламларни тартибга солишдан бошланди. Бундан асосий мақсад маданий қатламларини белгилаб олиш, сўнгра эса масжидни тадқиқ қилишдан иборат эди[7].

Археологик тадқиқот масжиднинг жанубий порталида, Арк ва шарқий порталда, ҳамда шимолий қисмида амалга оширилган.

Жанубий порталда археологик тадқиқотлар бошланишидан олдин у ерни тозалаш вақтида ғиштдан ясалган зинапояларга беҳосдан путур етказилган бўлсада, тадқиқ қилиш жараёнида 1,5 м чуқурликдан фил суяклари ундан унча узоқ бўлмаган жойда қадимий майдонда кулолчиликка оид буюмлар топиб ўрганилган. Сопол буюмларда қора, оқ, яшил рангларда расмлар солинган бўлиб, уларга нақшлар ва безаклар билан ишлов берилган. Қазилманинг шарқий қисмида 2,5 м чуқурликда унча катта бўлмаган кўзада 2 та кумуш ва 861 та мис тангалар топилиши тадқиқотнинг қанчалар самарали кечганлигини кўрсатиб турибди. Лекин, тадқиқотлар шу билан чегараланибгина қолмасдан ўз ишларини давом эттиришди. Топилган хазинадан унча узоқ бўлмаган жойда уч мерт чуқурликдан 402 та мис тангалар топилган бўлиб, тангалар жуда аянчли аҳволда бўлганлиги сабабли уларни қайта тиклашда жуда кўп қийинчиликларга дуч келинди. Шу сабабли ишлар маълум бир муддат тўхтаб қолган.

Жанубий пештоқдаги қазилма ишлари 1935 йилда чуқурроқ давом этирилган.

Тадқиқотлар натижасида жуда кўплаб сопол буюмлари топиб ўрганилган. Сопол буюмларининг сиртига қора ва кўк рангларда нақш, расмларни мавжуд. Сопол буюмларининг кўпчилиги XV асрга оид бўлиб, бундан ташқари XIII–XIV асрларга тегишли идиш буюмлар ва жиҳозлар топилган.

Масжиднинг ичида ҳам бир қанча қазилма ишлари олиб борилган. Бу ердан ёзув қолдиқлари ҳам топилган. Ёзув қолдиқлари эътиборни ўзига жалб қилиб, бу тадқиқот натижалари учун муҳим аҳамият касб этади. Ёзувлар “куфий” ёзуви билан ёзилган бўлиб, оддий расмга барг ва шоҳларнинг ажойиб уйғунлиги билан жило берилган. Бу ердан самонийлар даврига оид чинни буюмлардан фарқ қилувчи кўполроқ чиннилар ҳам топилган. Бу топилмалардан 3 мерт чуқурликда кичик ҳажмдаги фрагментлар, асори атиқалар топилган. Булар милoddан аввалги IV асрларга оид бўлиб, Кушон подшолиги сопол буюмлар даврига тўғри келади. Яна бундан ташқари лойдан ясалган идиш товоқлар ҳам бўлган. Бу ёдгорликларга назар солган ҳар бир киши Бухоро воҳасининг қадимий ёдгорликларига қизикади.

Маълум бир вақт Бухоро шаҳрида археологик тадқиқотларда тўхталиш содир бўлди.

XX асрнинг 50 йилларидан эса Бухоро шаҳрини археологик тадқиқ қилиш кенг тус олди. 1952 йилдан бошлаб таниқли маҳаллий тарихчи С. Н. Юренев Бухоро шаҳрининг тарихий обидаларини ўрганиш бўйича археологик экспедицияларида фаол қатнашади[8] ва минтақани ўрганиш доирасида дастлабки археологик фаолиятини шаҳарнинг тарихий обидаларини кузатиш билан бошлаган. С. Н. Юренев бинони синчковлик билан ўрганиб чиқиб, ўз ҳисоботида қуйидагиларни қайд этди. Калон масжидининг ҳар томонида бир хил қамиш қатлами ётқизилган. Бинонинг шарқий деворида лойдан ясалган пойдевор жойлашган бўлиб, баландлиги 4,80 метрни ташкил қилган. Шимолий деворнинг баландлиги 5.30 метр эди, пойдевори кўмилган, аммо пойдевор ғиштлири яхши сақланган. Бинонинг пойдеворининг ҳолатини аниқлаш учун деворларнинг пойдевори 80 см қазилган ва эр қатламини қазилма натижасида XIX аср охири – XX аср бошларига тўғри келадиган чинни ва шиша парчалар топилган. Масжиднинг ғарбий томонидаги кириш эшиги ер сатҳидан 67 см пастда жойлашган эди. С. Н. Юреневнинг сўзларига кўра, бу эрда қамиш паспаслари ишлаб чиқариш устахонаси ёки уларни сотиш жойи - бозор жойлашган[9].

Умуман олганда С.Н.Юренев Бухоро шаҳри ҳудудининг жуда кўплаб жойларида тадқиқотларини амалга оширган. У 1955 йилда Кўкалдаш мадрасасида, 1956 йилда

Файзобод, Сейфеддин Боҳарзи, Кўкалдош мадрасаларида, 1957-1959 йилларда Калон масжидида қайта таъмирлаш ишлари, археологик тадқиқотлар ва кузатишлар олиб борилган[10].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XX асрнинг 60-йилларига қадар олиб борилган археологик тадқиқотлар шаҳарнинг антик ва илк ўрта асрлар даври тарихига доир қимматли маълумотларни берган бўлсадаб шаҳарнинг пайдо бўлишига доир аниқ далилларни олишни имкони бўлмади.

ФҲЙДАЛЕНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ситняковский Н.Ф. «Заметки о бухарской части долины Зеравшана» приложен ценный список арыков и насиленных пунктов. ПТКЛА. –Ташкент,1896.С.20.; Ситняковский Н. Ф.Заметки о Бухарской части долины Зерафшана.Известия Туркестанского отдела русского географического общества.Т.І.вып.2.-Ташкент, 1900.С.130.
2. Explorations in Turkestan. Expedition of 1903, under the Direction of R. Pumpell, Washington, 1905. P.8-10.
3. Зимин Л.А. Развалины старого Пайкенда в их современном состоянии. ПТКЛА. Год 18. Вып. 2. -Ташкент,1914; Зимин Л.А. Развалины Старого Пайкента // Протокол заседания и сообщения членов Тур-кестанского кружка любителей археологии год восемнадцатый(11 декабр 1912г.—11 декабр1913 г.) Протокол №4, 30 апрел 1913 г. Ташкент, 1913а. С. 87.
4. Якубовский А.Ю. Краткий полевой отчёт о работах Зерафшанской археологической экспедиции Эрмитажа. ИИМК в 1939 г – ТОВЭ. Т.П.Л.: 1940
5. Шишкин. В.А. Варахша. -М.,1963.С.16.
6. Шишкин. В.А. Раскопки в мечети Магаки-аттари в Бухаре. «Труды ИИА АН УзССР». Вып.7. –Ташкент,1955. Стр.29-60
7. Шишкин. В.А. Раскопки в мечети Магаки-аттари в Бухаре. «Труды ИИА АН УзССР». Вып.7.-Ташкент,1955. С.29
8. Тураев Х. Три частных коллекций документов, поступившие в Бухарский музей Тезисы докладов и сообщений Всесоюзной конференции «Бартольдские чтения -1990». - М.,1990. С.77-78.
9. Boltaev A. Kh. The research of the S.Yurenev un the Mocque Kalan //European Journal of Humanities and Social Sciences. № 5.-Vienna. 2018. -P.8.
10. Boltaev A. Kh. The research of the S.Yurenev un the Mocque Kalan //European Journal of Humanities and Social Sciences. № 5. -Vienna. 2018. -P.11-12.